





Демак намоздаги дуолар тасбиҳ, такбир ва қироат қабилида бўлиши лозим. Ҳадиснинг далолатига кўра намозда: “Аллоҳим, мени кийинтир, Аллоҳим мен Фалончи аёлга уйланай” каби инсон сўзи билан дуо қилиш жоиз бўлмайди.

→**Эътироз:**

Имом Термизийдан бошқа беш муҳаддис ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сўнгра дуодан ўзига ёққанини танлаб, ўша дуони қилсин”**, дедилар. Бухорий ривояти 1/115. Бу ҳадисга кўра киши намозда ўзи хоҳлаган дунё ва охиратга тегишли дуоларни қилиши мумкин.

Бу эътирозга қуйидаги жавобни берамиз:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: **“Албатта бу намозда инсон сўзидан бирор нарса бўлиши дуруст эмас”**, дедилар. Бу ҳадис эътироздаги ҳадисга қарши келиб қолди. Имом Бухорийнинг ҳадиси мубоҳликка далолат қилмоқда, Имом Муслимнинг ҳадиси эса инсон сўзи билан дуо қилишни ман этмоқда. Мубоҳ қилувчи ва ман этувчи ҳадис бир-бирига рўбарў келиб қолса, усулга кўра ман қилувчи олдинга сурилади. Демак бу мавзуда Имом Муслим ривоят қилган ҳадис амал учун эҳтиётлироқдир.